

Араканли мусулмонлар инқирози АСЕАН саммитида муҳокама этилади



10:48 / 20.06.2019 2730

Бугун Таиланд пойтахти Бангкокда Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари саммити (АСЕАН) ўз ишини бошлайди. Қатор инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари ташкилотнинг аъзо давлатларига Аракан мусулмонлари инқирозига бепарқ бўлмаслиларини талаб эмоқда, деб ёзади Ал-Жазира. Хабарларга қараганда, тўрт кун давом этадиган саммитнинг кун тартибидан Араканлик қочқин мусулмонларнинг масаласи ҳам асосий ўрин олингани такидланмоқда. Бу борадаги асосий мақсад Аракан қочқинларини Бангладешдан Мянмага қайтариш иборат бўлади. Маълумки, Мянма ҳукумати Аракан мусулмонларини Ҳиндистоннинг пастки қисмларидан кириб келган муҳожирлар деб билмоқда. Уларни мамлакат ҳудудалардан сиқиб чиқариш 2012 йилдан бери кучайиб келмоқда. Натижада, Раҳин провинциясининг жанубий лагерларига ўн минглаб

мусулмонлар жойлаштирилди. Бир миллиондан зиёд одамлар бошқа мамлакатларга, хусусан Бангладешга қочиб ўтган. Ҳуқуқ ҳимоячилари инқирознинг туб сабаблари анча мураккаблиги сабаб, Аракан қочқинларини Мянмага қайтаришга шошилмаслик керак демоқдалар. Улар муҳжирлар Мянмага қайтиб келган тақдирда қочоқлар хавфсизлигини таъминлаш масаласи жиддий муаммо бўлиб қолишини айтмоқдалар. Айти пайтда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Мянма ҳукуматини роҳинжа мусулмонларига нисбатан олиб бораётган сиёсатини қаттиқ танқид остига олиб келмоқда. Ташкилот ҳисоботида кўра, Мянма расмий ҳукумати томонидан олиб борилган босимлар натижасида 700 мингдан зиёд Араканли мусулмонлар Бангладешга қочиб ўтишга мажбур бўлган.

Islom.uz